

Олий Таълимга Инновацион Технологияларни Жорий Қилиш Омиллари

Хакимова Мухаббат Файзиевна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, п.ф.д.

Бугунги кунда жамиятда бўлаётган глобаллашув ва таълим интеграциялашуви жараёнларида бўлажак мутахассисларнинг касбий-ижтимоий тайёргарлигини ривожлантиришга бўлган эҳтиёж янада кучайди. Хусусан, малакали мутахассиснинг касбий компетентлигини белгиловчи муҳим мезон сифатида касбга йўналтирилган вазифалар билан боғлиқ сифатларни белгилаш, битирувчининг касбий компетентлик сифатларини муҳим сифатлар қаторидаги учликка киритиш, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш ҳолатини ўрганиш, уларнинг ихтисослик соҳалари бўйича касбий компетентлигини тадқиқ этиш, педагогик ташхислашнинг инновацион методларини излаб топиш ва улардан унумли, самарали фойдаланиш ҳамда амалиётга жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда сўнгги йилларда таълим муассасаларида инсон ресурсларидан фойдаланишни бошқаришда мотивировка ёндашувига асосланиш, талабаларнинг мақсадларга эришиш қобилиятини ҳис қилиш имконини ривожлантириш, талабаларнинг бошқарувдаги иштирокини эркинлаштиришнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққою ягона тўғри йўлидир”. Энг яхши миллий тажриба ва халқаро тенденциялар асосида олий таълимни узлуксиз таълимнинг муҳим бўғини сифатида ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси ишлаб чиқилган бўлиб, “Таълим сифатини яхшилаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнларини жадаллаштириш” устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада айнан ушбу муаммога алоқадор илмий изланишлар мақсадли тадқиқотлардан ҳисобланади.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида амалга оширилаётган халқаро дастурлар билан кадрларни тайёрлаш миллий дастурларининг интеграцияси интерференция эффектини бермоқда. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг инновацион фаолиятини такомиллаштиришга эришиш, талабаларнинг билимларни тўлиқ ўзлаштириш жараёнларини лойиҳалаштиришда марказий ўринни талаба шахсига бериш, унинг самарали билимларга мустақил эга бўлиш эҳтиёжини қондирувчи сифатли дидактик услубий манбаларни ишлаб чиқиш, таълим амалиётига жорий этиш долзарб масалалардан биридир.

Таълимнинг асосий мақсади - замонавий илмий билимларни эгаллаган, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечиш имкониятига эга бўлган маънавий жиҳатдан бой шахсларни

шакллантиришдир. Жамият ривожланар экан, ҳаётий талабларнинг даражаси ҳам ортиб боради. Демак, илмий билимларнинг ҳажми кенгайиб, илмийлик даражаси чуқурлашиб борар экан, мантиқий фикрлаш ва муаммоларни тезда ҳал этишга бўлган талаб янада кучайиб боради. Бу фикрдан келиб чиққан ҳолда таълим тизими бугунги кун талабини ҳисобга олган ҳолда эмас, балки келажак талабларини аниқлаган ва ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориши керак деган хулосага келамиз. Чунки, бугунги кун талаблари келажакда жамиятнинг асосий ўзагига айланади. Демак, таълим тизими талабаларни бугунги кундаги ҳаётга эмас, балки келажакдаги ҳаётга тайёрлаши лозим, бу ҳам таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Мамлакатимизда олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни тайёрлаш тизимини барпо этиш ва ривожлантириш тажрибаси катта илмий ва амалий қизиқиш уйғотади, чунки у замонавий иқтисодий таълимнинг аҳволини таҳлил қилиш ва назарий жиҳатдан изоҳлаш, унинг узлуксиз таълим тизими билан уйғунлаштириш ва самарали дидактик ривожланишни башорат қилиш вазифаларини ҳал этиш имконини беради.

Ўқитишдаги инновацион технологиялар – бу талабаларнинг тизимли ижодий фикрлашини ва ижодий масалаларни ечишда ностандарт ғоя-фикрларни билдириш қобилиятларини шакллантиришга қаратилган технологиялардир.

Инновацион ўқитишнинг пировард натижаси қуйидагилардан иборат:

- ✓ талабада бошқа кўпчилик одамлар учун кўринмайдиган нарсани кўриш қобилиятини аниқлаш ва ривожлантириш;
- ✓ талабанинг кўрганини, янги нарса яратиш нуқтаи назаридан, таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантириш. Бунда фақат янгилик эмас, балки муаммо ёки масалани самарали ҳал этиш мақсади қўйилади.

Инновация – бу янги технологияларга, ноу-хау, янги ишлаб чиқариш омилларига татбиқ этилган янги билимлардан фойдаланиш (ёки маълум билимлардан янгича фойдаланиш) йўли билан янги ихтиёжни қондиришга қаратилган ҳаракат ёки бундай ҳаракат натижаси (ёки эски ихтиёжни анча самарали қондиришнинг янги йўлини таклиф этиш). Инновациянинг мақсади – юқори даражада бозорбоп янги маҳсулот ёки хизматларни олишдан иборат.

Инновацион жараён инновацион тизимда амалга оширилади. Инновацион тизим – бу бири-бири билан ўзига хос равишда боғланган инсоний, моддий-техник, ахборот, маъерий-ҳуқуқий ва бошқа компонентларни ўзгартириш ғоялари, коллеж педагогик тизимидаги мақсадга йўналтирилган ўзгартиришлар жараёнлари ҳамда ана шу ўзгаришлар натижалари йиғиндисидир.

Ўқитишдаги инновацион технологиялар учта мақсадни кўзда туттади:

- ✓ талабанинг шахсий-интеллектуал ва маънавий жиҳатдан юқори даражада ривожланишини таъминлаш;
- ✓ талабанинг илмий тадқиқотлар кўникмаларини эгаллаши ва бунга мос фикрлаш тарзини пайдо қилиш;
- ✓ ижтимоий-иқтисодий ва касб доираларида янгиликлар киритиш методологияларини билиш.

Биринчи мақсад давлат таълим стандартларида кўрсатилган ижтимоий-гуманитар, математик ва табиий фанларни ўқитиш йўли билан таъминланади.

Бунда барча фанлар талабаларнинг мустақил фикрлаш кўникмаларини, ўз фикрини оғзаки ва ёзма ифодалаш маҳоратини ривожлантиришга қаратилган мос ўқитиш технологияларидан фойдаланилади.

Иккинчи мақсад илмий-тадқиқот кўникмаларини эгаллашдан иборат бўлиб, бунга фундаментал умумқасбий фанларни ўрганишда эришилади. Бу фанлар ижодий фикрлашни

таъминлайдиган ва билиш жараёнини фаоллаштирадиган ўқитишнинг креатив технологияси, муаммоли ўқитиш технологияси ва б. ни қўлланиб ўқитилади.

Учинчи мақсад инновацион фикрлашни ривожлантиришдан иборат бўлиб, бунга талабалар махсус фанларни танқидий фикрлашни ривожлантирувчи ўқитиш технологиялари асосида ўрганиши орқали эришилади.

Таълимнинг инновационлигини аниқловчи муҳим омиллардан бири таълим дастурларидир. Таълим дастурларининг инновационликка таъсири куйидагилар орқали амалга оширилади: таркиби, мазмуни ва муаммолиги; нафақат тушунишни, балки маҳоратни ҳам таъминлайдиган мўлжал; расмий ва норасмий таълимни қўшиш; кўп вариантлик, альтернативлик (муқобиллик) ва кўп аспектлик; истиқболлик; таълим дастурини бажарувчилар таркиби.

Инновацион таълим дастурлари талабаларда куйидаги: мавжуд бўлганларини янгича кўриш ва бунинг асосида янги ечимларни таклиф этиш; ривожланган тасаввурни ва тасаввур ҳамда образларни фаолиятнинг бир соҳасидан бошқасига кўчириш; танланган фаолият соҳасида янги ўринларни эгаллаш ниятида фаросатли таваккаллик; ижодий фаолият методларидан фойдаланиш қобилиятларини ривожлантириши лозим.

Таълимнинг инновационлигини тавсифловчи бошқа муҳим омил инновацион динамикадир. Бу, жараённинг босқичларини, бошланғич илмий билимларни натижаловчи махсулотга (товар ёки хизматларга) айлантириш метод ва усулларини ифодалайди. Таълимнинг инновационлиги нафақат унинг дидактик тузилишига, балки ижтимоий муҳим натижаларга – ўқитувчининг психологик сиймосига ҳам тегишлидир. Ўқитувчининг инновацион фаолияти борликни ўзгартиришга, муаммоли вазиятларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш усулларига қаратилган. Ўқитувчи билан талабанинг янгича муносабатларида мажбурлаш ва буйруқларига бўйсундириш бўлмаслиги, балки тенг ҳамкорлик ва биргаликда ишлаш туйғу-ҳислари бўлиши лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимини шаклан ва мазмунан ислоҳ қилиш, унинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия мазмунини, шакл ва методларини самарадорлигини ошириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, таълим жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга, обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, уни демократлаштириш ва либераллаштириш, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, ижтимоий онги ҳамда дунёқараши даражасини ошириш, соғлом тафаккурли баркамол авлодни шакллантиришнинг пойдевори ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам таълимдаги стратегик йўналишлардан бири – таълим муассасаларининг инновацион фаолияти асосий омил сифатида белгилаб берилапти. Ҳозирги шароитда ҳар бир бўлажак мутахассис таълим тизимини ислоҳ қилишнинг зарурлигини тушуниб етиши ва уни амалиётда таълим муассасаларининг инновацион жараёнларига қўшилишидаги аҳамиятини англаб етиши ҳамда яратиш имкони мавжуд бўлган инновацион майдонда ўзини кўриш ва энг муҳими, янгиликларни ўзлаштиришдан иборат.

Сўнги йилларда инсониятнинг соф иқтисодий ўсиш воситасида янада ривожланиши ва техник қудратнинг кучайиши нақадар хавфли эканлиги, шунингдек бўлғуси ривожланиш кўпроқ инсоннинг маданияти ва оқиллик даражаси билан белгиланиши янада теранроқ тушуниб етилмоқда. Эрих Фромм фикрига кўра, ривожланиш инсон нимага эга эканлиги билан эмас, балки инсоннинг кимлиги, у ўз ихтиёрида мавжуд нарсалар билан нима қилишга қодир эканлиги билан белгиланади. Буларнинг барчаси инсониятнинг глобал муаммоларини ечишда таълим улкан роль ўйнаши лозимлигини кўрсатади.

Жамият ривожланишига қараб даромад манбаи сифатида билимлар, инновациялар ва уларни амалда қўллаш усуллари кўпроқ амал қилиши айниқса бўртиб намоён бўлади. Иқтисодий ривожланишда билим биринчи даражали аҳамият касб эта бошлаши ижтимоий ҳаётда таълимнинг ўрни, таълим ва иқтисодиёт каби соҳаларнинг ўзаро нисбати бутунлай

Ўзгаришига олиб келади. Янги билимлар, ахборот, укув ва кўникмаларни ўзлаштириш, уларни янгилаш ва ривожлантиришга қараб мўлжал олиш постиндустриал иқтисодиётда банд бўлган инсонларнинг фундаментал хусусиятларига айланади. Мазкур жамиятда таълим соҳаси жамият ҳаётининг иқтисодий соҳаси билан сезиларли даражада кесишади, таълим фаолияти эса унинг иқтисодий ривожланишини белгиловчи муҳим омилга айланади. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, ахборот ва назарий билим мамлакатнинг стратегик ресурслари ҳисобланади ва таълимнинг ривожланиш даражаси билан бир қаторда, унинг суверенитети ва миллий хавфсизлигини кўп жиҳатдан белгилайди.

Шуни қайд этиш лозимки, Республикамизда олий таълим ислохотлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди, чунки олий таълим даражаси унинг бўлғуси ривожланишини белгилашини тушунамиз. Шу сиёсатга мувофиқ талабалар контингенти ва олий таълим муассасалари сонини кўпайтириш, билимлар сифати, олий мактабнинг янги функциялари, ахборот миқдорининг ўсиши, янги ахборот технологияларининг кенг тарқалиши билан боғлиқ масалалар ҳал қилинди. Жамиятнинг ҳозирги ривожланиш даражаси таълим олувчиларда келажакни режалаштириш қобилияти, келажак учун жавобгарлик ҳисси, ўзига ва ўз касбий қобилиятларига ишончни шакллантиришга қодир бўлган янги таълим тизими – “инновацион таълим”ни талаб қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Республикамизда иқтисодий ривожланишнинг глобаллашуви шароитида давлатнинг рақобатбардошлиги унинг мавжуд илмий-маърифий ва илмий-техникавий салоҳиятдан тўлақонли фойдаланиш, инновацияларни иқтисодиётгагина эмас, балки таълим соҳасига ҳам самарали жорий этиш имкониятлари билан бевосита боғлиқ. Анъанавий касблар таркибида, ходимларнинг иқтисодий хулқ-атворида, касб танлашда кадриятлар ва мўлжаллар тизими ҳамда меҳнатни татбиқ этиш соҳаларида жиддий ўзгаришлар юз берди. Буларнинг барчаси мутахассиснинг янгича типи – инновацион фикрлаш услубига эга бўлган ходим пайдо бўлганини тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рахматуллаева Г.И. “Медиатехнологиялар ёрдамида талабаларнинг миллий тарбиясини ривожлантириш шакллари, усуллари ва воситалари”. “ТДПУ Илмий ахборотлари” журнали, № 3, 2022, Б. 139-146.
2. Багузова, Л. В. Основы профессиональной компетентности : учеб. пособие / – 2-е изд., перераб. и доп. – Красноярск : Сиб. федер. ун-т, 2017. – 184 с..
3. Ochilova G.O., Akbarova S.Sh. Kasbiy kompetentlik. (Darslik). T.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2022. 324 b.
4. Hakimova M.F., Mamarajabov Sh. Maxsus fanlarni o'qitish metodikasi. O'quv qo'llanma. – T.: Iqtisodiyot, 2021. - 200 s.
5. Файзуллаева Н.С. “Инновационные подходы и технологии в образовании” Учебное пособие - Т.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2024. - 208 стр.